



Ishonch

Моҳият
 Ўз ҳаётимизни Ватан истиқболи, фаровон келажаги учун бағишлаб яшаш инсоний ва фуқаролик бурчимиздир.
 Ислом КАРИМОВ

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqqan boshlagan

Саноат корхоналарида



«Мурувват Текс» ютуқлар сирини нимада?

Ўз ишдан кўнгли тўлиш нима эканлигини пойтахтимиздаги «Мурувват Текс» трикотаж фабрикасида ишлаётганлар жуда яхши билишади. Корхона мутасаддилари ишсизлик кучли бўлган туманлардаги аёллар бандлигини таъминлаш, айтиш вақтда фабрика мавқеини оширишни бошдан оқмақсад қилиб қўйишган. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай бу ният ижобат бўлди.

— Икки йилдан бери «Истироҳат»да ишлайман, — дейди тикувчи Зуҳра Илҳомова. — Ишлаш учун шарт-шароит етарли. Жамоамиз аҳил. Тўғриси, бундан-да кўп пул берадиган жойга тақриф қилишса ҳам, кетмаган бўлардим. — Уч йилдан бери шу

ютуқлар сирини нимада?

ерда меҳнат қилиб келаман. Ўзим тикувчилик курсини битирганман, — дея суҳбатга қўшилди тикувчи цехининг бош устаси Манзура Абидова. — Бундай тоза ва озода фабрикаларда ишлаш ҳар бир чеvarнинг орзуси бўлса керак.

Фаолиятини 2005 йилда бошлаган корхона тарихига назар ташлаш асосида кўнгли тўлишдаги ютуқларини нима сабаб бўлди экан, деган саволга жавоб излаб кўрдик. Топдик ҳам. «Мурувват Текс»нинг таркибида «Қоратос», «Самарқанд

дарвоза», «Учтепа», «Истироҳат», «Хасанбой» ҳамда Жиззаҳ виллоятда жойлашган «Зомин» трикотаж фабрикалари фаолият олиб бормоқдаки, ҳар бирида ўзига хос муҳит шаклланиб. «Истироҳат» билан танишар эканмиз, бу ерда меҳнат қилаётган ҳар бир ходимнинг ўз ишига сикидиладан тасдиқланган фикримизни тасдиқлагандек бўлди. Энг муҳими, инсон омили биринчи ўринга чиққан. Ҳар бир фабрикада меҳнат хавфсизлиги талабларига қатъий риоя этилади. Ишдан узилмаган

ҳолда кадрларни тайёрлаш йўлга қўйилган бўлиб, бу еса ишлаб чиқаришда юқори суръатни таъминламоқда. Айтиш пайтда фабрикада 2000 нафардан зиёд ходим меҳнат қилади. Кенг ва ёруғ ошхона, кийим алмаштириш ва ювиниш хоналари, шунингдек, ишга келиб-кейтиш учун транспорт хизмати ташкил қилинган. Шуниси эътиборга моликки, корхонада маҳсулот ишлаб чиқаришнинг тўлиқ цикли — газлама тайёрлашдан тортиб, экспортга бўлган жараён қамраб олинган.

(Давоми 2-бетда)

Янги Кун Янгиликлари

Мамлакатимизда олиб борилаётган маҳаллийлаштириш дастурига мувофиқ Андижон виллоятдаги автомобилсозликка ихтисослашган 100 дан зиёд қўшма корхонада импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарилаётти. Ушбу жараёнда ёш мутахассисларга талаб ортмоқда.

Маҳаллийлаштириш дастури амалда

Хонобод шаҳрида фаолият юритаётган «Ўқоджи» Ўзбекистон-Корея қўшма корхонасида 100 нафар коллеж битирувчиси ишга қабул қилинди. Ушбу янги иш ўринлари «М-300» автомобиллари лойиҳаси доирасида вуқудга келди.

Асакадаги «GM-Ўзбекистон» қўшма корхонасида тайёрланаётган автомобилларга бутловчи қисмлар етказиб берувчи мазкур корхонада модернизация жараёни амалга оширилиб, янги дастури ўрнатилди. Шу боис, «Матиз»нинг янги модели учун ҳам эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Абдулҳай ЮНУСОВ, «Ishonch» мухбири

Бунёдкорлик

Шунингдек, аҳолининг турмуш даражасини ошириш, уларни замонавий уй-жой, газ ҳамда ичимлик суви билан таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилаётти. Йил бошидан буён 90,5 миң квадрат метр уй-жой, 13,9 километр табиий газ ва 25,5 километр ичимлик суви тармоғи қурилди. Яқинда намунавий лойиҳа асосидаги 60 та уй-жойнинг қурилиш ишлари ҳам тугалланди.

Ўз мухбиримиз

Навоий шаҳрида меҳнат ярмаркаси бўлиб ўтди. Шаҳар ҳокимлиги, «Келажақ овози» жамғармаси ҳамда шаҳар бандликка қўмақлашувчи ва аҳолини иш билан таъминлаш бўлими ҳамкорлигида ўтказилган ярмаркада 76 та корхона-ташкилот 306 та бўш иш ўрни билан иштирок этди.

Меҳнат ярмаркаси

Шу кун иш сўраб муқожа қилган 189 нафар фуқародан 104 нафари ишга жойлашди. Уларнинг 54 нафари жорий йилда касб-ҳунар коллежларини битирган ёшлардир.

И.ХОЛБОВЕВ, «Ishonch»нинг жамоатчи мухбири

Булунғурдаги «Афросиёб-мева» қўшма корхонаси 10 миң тоннага яқин мева ва сабзавотни қайта ишлаб қадоқлашга муваффақ бўлди.

Модернизация самараси

Корхонада модернизация ва қайта жиҳозлаш ўз самарасини берди. Жорий йилда 800 миң АҚШ доллари миқдоридagi янги технологиянинг кириб келиши тармоқ ривожига ҳисса қўшмоқда. 200 дан ортиқ шартнома асосида хомаш ётказиб бераётган фермер ўжаликлари бундан фойда кўраётти.

Корхонада сабзавот ва боғдорчиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётти. 1000 гектар ерда янги боғ барпо этилиб, 100 гектар майдондаги экинларнинг Исроил технологияси асосида суғорилишига эришилди.

Н.ШАМСИЕВ, «Ishonch» мухбири

«Талимаржон ИЭС» унитар шўъба корхонасида имкониятдан келиб чиққан ҳолда ёшларнинг бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор берилаяпти.

Кўшимча иш ўринлари

Яқинда корхонага 10 та сўнги нухсадаги тикув машинаси келтирилиб, янги цех ташкил этилди. Жамоа раҳбари Т.Мухаммадзоновнинг таъкидлашича, ўндан зиёд чеvar қизлар иш билан таъминланди. Хозир бу ерда буюртма асосида иш кийимлари, қўлқоп, фартук ва чойшаблар тайёрланмоқда.

И. ИСОМИДИНОВ

Сардоба, Бойвот, Сирдарё туманларидаги Наврўз, Деҳқонобод, Пахтазор маҳаллаларида қурилган 60 та намунавий уйга қувурлар тортилиб, аҳоли тоза сув билан таъминланди.

Таъминот яхшиланди

Ховос туманидаги Чамбил, Гулистон туманидаги Ишонч, Улғубек, Мирзаобод туманидаги Чинобод, Ойдин, Пахтазор, Оқолтин туманидаги Бўстон маҳаллаларида сув қувурлари ва қудуқлар, Оқолтин туманидаги Бўстон қишлоғида сув саклаш иншооти таъмирдан чиқарилди. Гулистон, Янгиер, Ширин шаҳарларидаги сув тармоқлари реконструкция қилиниб, янги насослар ва усқунлар ўрнатилди. Шу тариха, 23205 кишининг тоза сувга бўлган эҳтиёжи қондирилди.

Анорбой НОРКУЛОВ, «Ishonch»нинг жамоатчи мухбири

Ватан манзаралари

Саҳро саҳнида бир сулув

Париж, Лондон, Москва... Дунёда шундай шаҳарлар борки, улардаги осмонлар бино-ю бебахо қурилмалар ҳар қандай сайёҳни ҳайратга солади. Аммо бир неча юз йиллар мобайнида сайқалланиб келаётган бундай пойтахтлар қўнида уч-тўрт кун туриб, тасаввурингиз қўнмага айланган, хийла ҳорғинлик-эриктиш бошланади. Ушанда олисдаги диёрингизнинг сокин гўшалари, содда ва софдил кишилари кўз олдингизда гавдаланаверади.

Андозаси афсоналардан бичилган, миң-миң йиллик Қизилқум барханлари қўнида кўрк очган бир сулув шаҳристон борки, унинг бағрида яшаб, ажойиб халқи ила диллашиб, асло зерикмайси. Азим Самарқанддан Бўхоро сари отланган йўловчининг кўз ўнгиди улкан саноат иншоотлари ва маъмурий бинолар, хуллас, ёрқин архитектурага эга шаҳар қиёфаси намойён бўлади. Бу ватанимизнинг энг ёш виллоят марказларидан бири Навоий шаҳридир. Саноатлашган шаҳар Бўхородан 100 км. шимол-шарқда, Зарафшон дарёсининг чап қирғоғида, денгиз сатҳидан 347 м. баландликда жойлашган бўлиб, жўроғий ўрни жиҳатдан ҳам гоёт қўлайдир.

Қадимий сак, хоразмий, бактрияликлар цивилизациясидан хабар берувчи қанча-қанча тарихий сирлар шу тупроқ бағрида макон топган. Буюк Ипак йўли ўтган замин Шарқ ва Ғарбни бир-бирига боғлаш учун хизмат қилган.

Тарихий гўшалар — Ҳазрати Қосим шайх мақбараси, Нуротадаги Чашма мажмуаси мустақиллик йилларида тубдан таъмирланди. Мир Саид Баҳром, Шайх Хўжа Хусрав мақбаралари, Мирзачорбоғ тарихий ёдгорлиги, Роботи Малик ва яна кўплаб табарруқ жойлар бугунги кун бунёдкорлари меҳнати туфайли гўзал қиёфа касб этди.

Бунёдкорлик каби улғувор ишлар ўзига яраша фидойиликни талаб қилади, — дейди «НУС» қурилиш бирлашмаси бошқаруви раиси Гофир Шералиев. — Хозирда қудратли техника, юксак малакали мутахассислар қадимий заминга қайтадан жон ато этаётгани рост.

1958 йилда Навоий шаҳар қурилиши бошланган бўлса, ўндан сал олдин — 1956 йилда «НУС» қурилиш бирлашмасига асос солинган эди. Бирлашмаимиз шаҳарнинг барча ижтимоий объектларининг бунёд этилишида асосий иш бажарувчи саналган.

(Давоми 2-бетда)

Дил сўзи

Ҳар кун Нукус кўчаларидан ўтарканмиз, кундан-кун цирой очаётганидан қувонамиз. Айниқса, марказий майдонда қисқа муддат ичида Президентимиз ташаббуси билан республика парламенти иморати қуриб битказилиб, унинг олдида халқимизнинг таниқли ва суоқли шоири Бердақнинг ҳайкали савлат тўкиб туриши ҳар бир юртдошимиз қалбида ифтихор уйғотиши табиий.

Муносиб баҳо кучга куч, ғайратга ғайрат қўшади

Яқинда Юртбошимиз Қорақалпоғистонга ташриф буюрганида, бу иморат ва унинг атрофи уйғун ансамбл кўринишига эга бўлганлигини кўриб, «Мана, ҳақиқий марказ пайдо бўлибди» дея эътироф этгани биз қорақалпоғистонликларни ниҳоятда қувонтирди.

«Мен қорақалпоқ тарихини кўп ўқиганман, унинг маданиятини яхши ўрганганман, — деди Президентимиз ўшанда. — Қорақалпоқ халқининг маданияти, унинг бадий санъати ҳеч бир халқда йўқ, ҳеч бир халқниқига ўхшамайдиган ўзига хосликка эга». Бундай юксак баҳо қора-

қалпоқ халқи қалбига гурур бағишлади. Айниқса, биз ёзувчи-шоирлар, умуман, маданият аҳли, зиёлилар, шу соҳа вакиллари бўлганлигимиз туфайли ўзимизни ниҳоятда бахтиёр сездик.

Президентимиз ҳар гал Қорақалпоқ заминига ташриф буюрганида халқимизнинг меҳнатини юқори баҳолаб, янги ютуқларга руҳлантирувчи сўзлар билан кучга куч, ғайратига ғайрат қўшади.

— Шундай шароитда, шундай экологик муҳитда яшаб туриб, юқори муваффақиятга эришиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди, — деди Юртбоши-

миз деҳқонни бу йилги меҳнат ютуғи билан қутларкан.

Қорақалпоқ деҳқонлари пахта етиштириш бўйича йиллик шартномани бажарган паллада Президентимизнинг келиб, «хормасин» айтиши халқимизнинг ҳамма чарчоғини чиқариб юборди, янги меҳнат муваффақиятлари сари руҳлантирди. Ўз навбатида, биз ҳам давлатимиз раҳбарининг эътибор ва ғамхўрлигига фидокорона меҳнатимиз, ютуқларимиз билан жавоб қайтарамиз.

Муратбой НИЗАНОВ, Ёзувчи, Бердақ номидаги Давлат муқофоти совриндори



бали мураббийлар бошчилик қилаётган эса бундан-да яхши. Бу йилнинг ўзидаёқ «Мурувват Текс»да 800 та янги иш ўрни ташкил қилиниб, ҳозирда тикувчилик, муқовалаш ва ёпучи цехларга ҳамкасбларни, шунингдек, механик, электрик ва сифат назоратчиларини ишга қабул қилиш бошланган.

— Сифат ва нарх-навонинг қулайлиги кўпчиликда қизиқиш уйғотмоқда, — дейди Адибахон. — «Отто» фирмаси билан ҳамкорлик йўлига қўйилган. Германиялик ҳамкорлар махсулотлар моделини фабрика дизайнерлари билан бирга танлашмоқда. Уч йил аввал «Мурувват

килот шу йили Москвадаги Федерал умумий ярмаркасида қатнашмоқда.

Трикотаж фабрикасининг «Истироҳат» диагностик маркази фаолият олиб бормоқда. Бу ерда ишчиларнинг соғлиги мунтазам текшириб берилади ва зарур ҳолларда тегишли ёрдам берилди. — деди Адибахон. — Деди Адибахон Хожаява завод бўйлаб қилган саёхатимиз сўнггида. — Ишчиларни тушунишга, муаммоларига ижобий ечим топишга ҳаракат қиламиз. Аёллар бу ерга келиб, уйдаги барча ташвишларни унуттишади. Ходимларимиз ўтган йили Самарқанд шаҳрига саёхатга бориб келиди. Ҳар ҳафтада йиғилиб,

Саҳро саҳнида бир сулув

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мустақилликка эришгач, шаҳарсозликка, хусусан, соҳамиз равнақиға эътибор кескин яхшиланди. Энг моҳир қурувчиларимиз Халқаро аэропортида давом этаётган терминал — омиборлар қурилишида, эркин индустриал-иқтисодий зонадаги кенг қамровли бунёдкорлик ишларида маҳоратларини намойиш этишмоқда.

қаҳвахона-ю меҳмонхоналар бунёд этилган. Шундан сўнг 70 гектарлик «Шимолий бог» асос солинди. Бу ердаги қўл дам олишга келганларни ҳам, сузувчилару спортчи ва ҳаваскор эшакчиларни ҳам бемалол бағрига сиғдира олади.

Шаҳарда эртанги кунимиз эгаларига яратилган қулайликлар кўзни қувватлади. 250 минг жилд



китоб фондига эга шаҳар кутубхонаси, томоша зали, клуб-қаҳвахона жойлашган «Фарҳод» маданият саройи, шунингдек, «Ширин», «Наврўз» ва Кармандаги Алишер Навоий номидаги маданият саройлари болжонларнинг севимли масканига айланган.

Навоий шаҳри ҳақида гап кетганда, унга бежиз «ўлкамиз санаятининг юраги» дея таъриф берилмайди. Минерал ўғит, аммиак ва нитрон суний толаси ишлаб чиқарувчи «Навоий-азот» бирлашмаси, ўсимлик дунёсига турли дори ва ўғит етказиб берувчи электротехника заводи,

дунёга ўз олтини билан танилган Навоий тоғкон металлургия комбинати, Навоий ГРЭСи, «Қизилқумцемент» ОАЖ каби қатор корхона ва ишлаб чиқариш ташкилотлари юрт равнақиға хисса қўшмоқда.

1961 йилги шаҳар бош лойиҳасига асосан, 50 минг аҳолига мўлжаллаб қурила бошланган. Лекин санаятининг шиддат билан ривожланиши натижасида 1982 йилда аҳоли сони 100 минг нафардан ошиб кетди. Айни кунларда бу кўрсаткич уч бараварга ортиши кўзда тутилмоқда.

Деярли барча мавзелада кўплаб ички кенгликларни бирлаштириб турувчи бог-хийбонлар ташкил этилган. Кўкаламзорлар ичра сон-саноксиз ҳовуз, ариқ ва фавворалар шаҳар ҳуснига холдек ярашиб турибди.

Энг аввал шаҳарнинг 16 гектарлик «Жанубий бог»ига асос солинган эди. Бог ичиди ўйин майдони, очик сузиш ҳавзаси, кинотеатр,

танган майдонда алп йиғит Фарҳоднинг ҳайкали қад ростлаб турибди. Алишер Навоий достонида таърифланганидек, саҳрода ҳайъабаш сувнинг отилиб чиқётгани рамаз сифатида гавдалантиришга ҳаракат қилинган. «Хар қатра су» — олтиндан қиммат» деган ҳикматни ўзида мурасам этган ушбу ҳайкал шаҳарнинг рамази саналади. Ундан сал нарида саф торган бошқа фавворалар ўртасида Амударё, Сирдарё ва Зарафшонга бағишланган «Ўзбекистон дарёлари» аталмиш гоат чиройли суний кўл ойнадек товланади. Шамшод қадларини тик тутган уч ўзбек қизи сув тўла кўзаларни кутарганча, битта-битта юриб кетишяпти. Мазкур ҳайкалнинг вазмин, улугвор қиёфаси бамисоли чўлларга жон киритиш учун оқиб кетаётган уч азамат дарёни эслатади. Шаҳар эса шу дарёлардек жўшқин ҳаёти билан гўзаллашиб бораверади.

Мансур ЗОИР, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

«Мурувват Текс»

Ютуқлар сири нимада?

(Давоми. Боши 1-бетда)

— Халқаро стандартларга жавоб берувчи трикотаж махсулотларини харидорга етказиш учун ишлаб чиқаришнинг барча босқичларида унинг сифатини текшириб борамиз, — дейди «Мурувват Текс» директори Рустам Тўлаганов. — Бу эса бозорда асосий ўринни эгаллашмизга ёрдам берувчи муҳим омиллардан бири. Мато ранги, оғирлиги, кенглигига қараб текширилади.

Трикотаж фабрикаларининг ҳар бирида модел цехлари бўлиб, улар мамлакатимиз бозорига бутун оила учун нарх жиҳатидан мос «5 two 5», «For kids» маркали сифатли кийим ишлаб чиқаради. Улар Кўкон, Андижон вилоятида ҳамда пойтахти-

миздаги 5 та дўконларда сотилади. Туника, футболка, поло кўйлаклари, халат, спорт костюми ва болалар кийимларининг бозори жуда чаққон. Ички бозорда бир ярим йил ичиди 5 млрд. сўмлик махсулот сотилди. Бу ўтган йилги кўрсаткичдан 1,5 марта кўп.

— Тошкент Текстиль институтининг дизайнерлик факультетини тугатганман, — дейди моделер-конструктор Нилуфар Исмолова. — Болалар либоси дизайни устида ишлаганимиз яхши кўраман. Кўча-кўйда ўзим моделини яратган либосларни кийган одамларни кўрсам, хурсанд бўламан.

Яна цех айланмишда давом этамиз. У ерда асосан ёшларнинг ишлаётгани кўзни қувонтиради. Уларга тажри-

Текс» Москвадаги савдо уйда рўйхатга олинди. Унинг асортиментига тайёр кийим ва трикотаж махсулотлари қиради. Россияликлар учун аёллар спортси, эркекларнинг спорт кийимлари, шунингдек, болалар кийими, юбка ва бошқа махсулотлар ишлаб чиқарилади. Тайёр махсулотнинг 80 фоизи Россия, Германия, Голландия, Австрия, Туркия ва бошқа мамлакатларга сотилади. Жорий йилнинг олти ойида экспорт 4 млн. долларни ташкил этди. Бу эса, 2009 йилнинг 1 ярмига қараганда икки марта кўп.

Шунингдек, «Textile Expo Uzbekistan» халқаро текстиль ва енгил санаят кўргазмасидаги иштироки туфайли харидорлар сони кўпайди. Таш-

муаммолар ҳақида очик суҳбатлашиб оламиз.

Ёдимда, уч йил аввал ишга келганимда, бу соҳада ҳеч қандай тажрибам йўқ эди. Ҳозир ҳамма жараён ёд бўлиб кетган. Инсоннинг ўзида интилиш бўлса бас. Иш билмасликдан уялмаслик керак. Менга Комила Розикова устозлик қилиб, иш ўргатган. Улардан бир умрга миннатдорман.

Аҳиллик бор жойда юксалиш бўлади. Бунинг барини «Мурувват Текс»да меҳнат жараёнининг одилона йўлга қўйилганлигида кўриш мумкин. Бу эса, корхонанинг ривожланиши учун хизмат қиладиган омиллардан яна биридир.

Назира БОЙМУРОВА.
Муаллиф олган суратлар

Сўраган экансиз

САВОЛ: Ёшга доир пенсияга чиқдим, аммо ишимни давом эттирмайдиман. Пенсияни тўлиқ оламаним?

Г.МАДАЛИЕВА, Булунгур тумани

ЖАВОБ: Ишлаб турган пенсионерларга пенсия тўлаш тартибига кўра, иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган пенсионерлар, қишлоқ ва фуқаролар йиғинлари раислари, пенсияга чиқиш олдидан мазкур мутахассисликлар бўйича камидан ўн йил стажга эга бўлган аёллар ёшга доир пенсияга чиққандан кейин ўрта ва кичик тиббиёт ходимлари, провизорлар, ноғирон болаларнинг интернат уйларида, «Меҳрибонлик» уйларида тарбиячилар, шунингдек, кутубхоначи сифатида ишлагани давом эттираётганлар, ўз-ўзини бошқариш идораларида диний ишлар бўйича маслаҳатчи аёл-пенсионерлардан ташқари, бошқаларга пенсиянинг 50 фоизи миқдори тўланади.

САВОЛ: Санаторий-курорт (амбулатор-курорт) тарзида даволаниш чоғида меҳнатга яроқсизлик варақаси берилмади?

М.МИРЗАЕВ, Когон шаҳри

ЖАВОБ: «Меҳнатга лаёқатсизлик варақалари ва маълумотномаларини бериш тартиби тўғрисида» йўриқномага мувофиқ, санитар-маданий (амбулатор-курорт) даволаниш чоғида меҳнатга лаёқатсизлик варақаси берилди.

Санаторий-курорт (амбулатор-курорт) тарзида даволаниш чоғида, йўлланманинг қандай маблаглар ҳисобидан харид қилинганлигидан қатъи назар, меҳнатга лаёқатсизлик варақаси санаторийга борғунига қадар шифокорлик-маслаҳат комиссияси томонидан етишмаётган асос ва қўшимча таътил кунларига жами даволаниш ва йўлга кетадиган кунлар учун берилди. Жамланган меҳнат таътилинини олиш ҳуқуқи мавжуд бўлган ҳолларда санаторий-курорт (амбулатор-курорт) тарзида даволаниш учун меҳнатга лаёқатсизлик варақаси олиниши мумкин бўлган таътиллارнинг умумий муддати ҳисобга олинган ҳолда берилди.

Агар асосий ва қўшимча таътилдан санаторийга кетгунга қадар фойдаланилган бўлса, иш берувчи асосий ва қўшимча таътиллارга тенг кунлар сонига иш ҳақи сақланмайдиган таътил бериши мумкин.

САВОЛ: Соғлиғига зарар етказилганини учун ходимга тўланадиган миқдор қандай ҳисобланади?

Т.АҲМЕДОВ, Навбахор тумани

ЖАВОБ: «Ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатлигининг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарини тўлаш қўдалари»га мувофиқ, жабрланувчининг олган ёхуд олиши мумкин бўлган йўқотган иш ҳақи (даромади) тўланади.

Зарар ҳар ойда жабрланувчининг касбий меҳнат фаолиятини йўқотиш даражасига тегишли равишда меҳнат жароҳати олгунга қадар унинг ўртача ойлик иш ҳақиға фойзаларда, соғлиғига шикаст етказилган сабабли қилинган қўшимча харажатлар компенсацияларда, шунингдек, белгиланган ҳолларда бир марталик нафақалар тўлашда қопланади.

Иш ҳақи ёки унинг бир қисми тўланаётганда, жароҳат олиши туфайли таянган ноғиронлик пенсиялари, шунингдек, меҳнат жароҳати олгунга қадар ва ундан кейин таянган пенсиялар, нафақалар ва бошқа шунга ўхшаш тўловларнинг бошқа турлари етказилган зарарини тўлашда ҳисобга олинмайди. Шунингдек, жабрланувчининг жароҳат олгандан кейинги иш ҳақи ҳам зарарини тўлашда ҳисобга олинмайди. Бунда жабрланувчиларга меҳнат жароҳати бўйича ноғиронларга зарарини тўлаш миқдори белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг эплик фойзидан кам бўлиши мумкин эмас.

Жабрланувчининг йўқотган иш ҳақи таркибига: ҳам асосий, ҳам даромад солиғи ундирилмайдиган ўриндошлик иш жойи бўйича меҳнат ва фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар бўйича барча меҳнат ҳақи турлари; тадбиркорлик фаолиятининг олинмайдиган даромади (солиқ инспекцияси маълумотлари асосида); муаллифлик ҳақи; вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлиги ҳамда ҳомилдорлик ва туғруқ таътиллари даври учун тўланган нафақалар киритилади.

Барча иш ҳақи турлари ҳисобга олинишида ҳисобга олинадиган суммаларда ҳисобга олинмайди.

Уқуш даврида тўланадиган стипендия (зарарини қоплаш тўғрисида мурожаат қилувчининг хоҳишига кўра) иш ҳақиға тенглаштирилади.

«Ижодкор, бунёдкор, ихтирочи ва ташаббускор авлод



«Буюк элга

У яратган дарсликлар республикамиздаги умумтаълим мактабларига жорий этилиб, ўқувчиларнинг билим даражасини оширишга хизмат қилмоқда. Она тили ва адабиёт фанларини ўқитишдаги методикаси пойтахтимиздаги Учтепа тумани халқ таълими бўлими томонидан муносиб эътироф этилди. Меҳнатлари самарасини ўқувчиларнинг бийрон-бийрон жавобларида, турли танловлардаги ютуқларида кўриш мумкин.

Магистрлик диссертацияси ва... учта дарслик

Бу таърифлар атоқли профессор ёхуд илмда ўзининг мустахкам ўрнига эга бўлган фан доктори хусусида эмас, балки мустақиллик эълон қилинган йили биринчи синфга қадам қўйган, бугун эса илм машаққатларини елкалаганча таълимни ривожлантиришга ҳисса қўшаётган ёшларимиздан бирига тегишли. Нилуфар Ойматова бакалавр, магистртура босқичларида ҳам ўзи таълим олган Ўзбекистон Миллий университети ўзбек филологияси факультети «Матншунослик, миллий ўғони ва ҳозирги ўзбек адабиёти» кафедрасининг тинимсиз изланувчи аспирант-тадқиқотчиларидан.

Магистратура босқичида таълим олаётган кезлари муаллифлик қилган «Она тили. 8 синф» (2008), «Она тили. 9 синф» (2008), «Адабиёт. 7 синф» (2008) электрон мултимедиа дарсликларини таълим тизимига жорий қилинди. Дарсликлар устида ишлаш билан бир қаторда магистрлик диссертацияси ҳимоясига ҳам пухта тайёрланган Нилуфар яна бир муваффақиятга эришди. Унинг магистрлик иши худди бакалавр босқичидаги каби «Энг яхши илмий иш» сифатида баҳоланди. Бу уни илмнинг янги-янги чўққилларини забт этишга чорлади.

2009 йилдан педагогика фанлари доктори Улугбек Долимов раҳбарлигида «Ўзбек тили электрон дарсликлари яратишнинг назарий ва амалий масалалари» мавзусидаги номзодлик диссертациясини ёзишга киришди. Жорий йилнинг май ойида эса Баркамол авлод йилгига бағишлаб ўтказилган ЎЗМУ ўзбек филологияси факультети профессор-ўқитувчилари, аспирант-тадқиқотчи ҳамда талабаларининг илмий анжуманида «Энг яхши маъруза» номинацияси бўйича голиблар сафидан ўрин олди.

Бугуннинг «синчалаги»

Еш бўлишига қарамай, катта масъулиятни зиммасига олишга нималар

сабаб бўлганлиги хусусида қизиқдик. Нилуфар шундай ҳикоя қилади:

«Яқин-яқингача ҳам электрон дарслик хусусида гап кетганда, китобнинг электрон нусхасини тушунадиганлар кўпчилигини ташкил қиларди. Магистратуранинг биринчи курсида ўқиб юрган кезларимиз «янгиликка интилувчи ёшларни ҳамкорликка тақлиф қиламиз» деган эълонга кўзимиз тушиб қолди. Кейин биласак, бу ҳамкорликнинг асл мақсади техника имкониятларини таълимга жорий қилиш, шу орқали ёш авлод онгини юксалтириш эди. Шундай қилиб, гайрат-шижоатга тўла ёшлардан иборат жамоа шаклланди. Жамоанинг ҳар бир аъзоси мактаб ўқувчилари учун яратилган электрон дарсликнинг мукамаллиги хусусида кечую кундуз бош қотирарди. «Кечую кундуз» деганимни муболага билманг. Ҳеч имканилишсиз «ижодхона» деб аташ мумкин бўлган бу масканда исталган вақтда бирор кимни иш устида учратиш мумкин эди. Ҳар биримиз яратилган имкониятдан унумли фойдаланишга интилардик. Ақл ёшда эмас, бошда, деган нақлнинг маъносини ўшанда англаб етдим».

Бир йил олдин иш юзасидан Нилуфар билан водийдаги мактаблардан бирига бордик. Нафақага чиқиб, яна ишини давом эттираётган она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Нилуфарни таниб қолиб, жуда ажабланганимиз. «Абдулла Қаҳҳорнинг синчалагидан яна битта бор экан-да», деганиди ёшгина қизнинг шунча иш қилаётганлигига ишора қилиб. Унинг дарсликларидан ўқувчилари кўп нарса ўрганаётганлигини эътироф этди. «Қилаётганларингизнинг бир номи савоб ҳам. Ҳеч қачон буни унутманг. Эркин ва мустақил фикрлашга ўрганаётган ёшлар жамиятининг ҳамма қатламига кириб борганда, захматларингиз кўзингизга кўринмай қолди» дея фотиха ҳам берганди.

«Изланишдан тўхтасак, чўкамиз...»

Бугунги кун ўсимирлар, ҳатто бошланғич синф ўқувчилари ҳам асосий

вақтини бадий китоб ёки ўқув адабиётларини ўқишдан кўра, компютер олдида ўтказишга сарфлашади. Кимдир фойдали машғул билан банд бўлса, яна кимлардир санаб адоғига етиб бўлмайдиган бемақсад ўйинлар учун вақтини сарфлайди. Ота-оналари бекинмачқоқ ўйнаб катта бўлган авлод вақиллари бугун дунёга техника «қўзи» билан қарамокда. У «бекнаётган» виртуал қаҳрамонини топиши билан... отиб ташлайди... ва яна ҳоказо. Мазкур «операция»ларни амалга ошириш учун компютер билан боғлиқ анча-мунча билим талаб этилади. Бироқ бугуннинг бундан одамчалари учун бу шунчаки ўйин. Улар турли комбинацияларни тезда эслаб қолишади, керакли ўринларда иккиланмай фойдаланишади.

Модернизи, техниканинг бу ютуғига нисбатан кучли қизиқиш пайдо бўлган экан, уни фойдали мақсадларни амалга оширишга йўналтириш зарур. Яъни, ўқувчиларга замонавий технологиялар воситасида зарур билимларни бериш, янги маълумотларни излаш ва мустақил фойдаланиш кўникмасини ҳосил қилишга интилиш лозим.

— Ўқитувчининг энг асосий вазифаси билим бериш, бунда у турли методларга таяниши мумкин. Ўқувчини танлашга, ажратишга асло ҳаққи йўқ. Бола ўйинқароқ бўлса, унинг эътиборини жалб этиш учун, керак бўлса, ўйин асосида дарс ўтиш лозим. Фанга қизиқтирсангизгина, уни изланишга ундай оласиз. Бироқ бу дегани ўқитувчи сўнги кучи қолгунча билим беришга мажбур дегани эмас. Чунки ҳамма нарсани айтиб берадиган манба борлигини билган ўқувчи ҳеч қачон янги китоб ва рақлаб қўришга эҳтиёж сезмайди. Қолаверса, «айтиб бериш»дан ортган вақтини янги-янги методлар ўйлаб топишга ва уни дарс жараёнида амалга оширишга сарфлаши мумкин. Бу ўқитувчининг тинимсиз изланишини тақозо этадиган жараён. Зеро, ҳақиқий муаллим ҳар бир дарсга янгилик билан кириб келиши

шарт, — дейди айна кунларда Учтепа тумани 193-ихтисослашган умумтаълим мактабига фаолият юритаётган Н.Ойматова.

Дарҳақиқат, бугунги таълим тизимининг моҳиятини ташкил этувчи бундай қарашларни яхши илганган Нилуфар электрон мултимедиа дарсликларидан ҳам шунини акс эттира олади. Келинг, бу хусусида батафсил тўхталиб ўтасак.

Дарс жараёнида электрон ўқув воситаларидан фойдаланиш таълим самардорлигини оширишга қўлмай, ўқувчининг фанга бўлган қизиқишини орттириди.

Маълумки, аънавий таълим усулида дарснинг асосий тизгини ўқитувчининг қўлида бўлиб, у тушунтириши, янги дарснинг мустахкамланишига назоратчи бўлиши, машқлар устида ишлаши лозим эди. Бунча ишнинг ўқитувчи зиммасига юкланиши бир томонлама, энг ёмони, кўпича самарасиз мулоқотга сабаб бўлади. Бугунги кун ўқувчиси эркин ва мустақил фикр юритиши шарт, бунинг учун ўқитувчининггина ташаббускор бўлиши камлик қилади.

Ҳозир эса ўқитувчи ташкилотчи эмас, балки билим манбага айланаётган қўлдан. Фан-техника тараққиётининг ўта ривожланиб бораётганлиги боис, ахборот кескин кўпайиб бормоқда. Билл Гейтс таъбири билан айтганда, инсоният ахборот умониға чўкиб кетмоқда. Муҳим маълумотларни ўқувчига тўлиқ етказиб бериш учун эса вақт чегараланган.

— Она тили фанини ўқитиш жараёнида ҳам худди шу вақт таққилиғи муаммоси юзага чиқмоқда, — дейди Н.Ойматова. — Чунки мавзу юзасидан назарий маълумотлар бериш ва мустахкамлаш машқларини бажариш ҳамда савол-топшиқлар устида ишлашга белгиланган вақт (45 дақиқа) жуда кам. Электрон дарсликлар устида ишланганда, бу муаммо бир қадар бартараф этилади. Яна муҳим жиҳатларидан бири, ўқувчи ўзлаштириш даражасига қараб, янги билимларни эгаллавиради. Аънавий таъ-

ДИҚҚАТ, ТАҲЛОВ!

«Инсон ҳуқуқлари журналист нигоҳида»

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш мақсадида амалга оширилаётган демократик ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ислохотларни янада чуқурлаштириш жараёни босма оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини ташкил этиш, журналистларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш, уларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш

мақсадида «Инсон ҳуқуқлари журналист нигоҳида» мавзусидаги ижодий танловни эълон қилади. Танлов шартлари Танловга 2010 йилнинг 1 январидан 2010 йилнинг 1 декабригача республика босма оммавий ахборот воситалари ва интернет нашрларида эълон қилинган, Инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон декларацияси, мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти ва уларнинг амал қилиши, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш, шахсни ҳар томон

лама камол топтириш, ёшларнинг демократик фуқаролик жамияти барпо этишда фаол иштирок этиши учун зарур ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий шароит яратишга қаратилган мавзудаги таҳлилий мақолалар ва фото материаллар қабул қилинади. Танловга тақдим этилган материаллар мамлакатда фаолият олиб бораётган босма оммавий ахборот воситалари, интернет нашрларда чоп этилган бўлиши лозим. Тақдим этилган материаллар ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларида тайёрланган, эълон қилинган босма ёки интернет наشري аниқ кўрсатилган

электрон ва матбуот нусхада бўлиши керак. Фоторепортажлар асл нусхада тақдим этилади. Ижодий ишларга муаллиф тўғрисида маълумотлар (фамилияси, исми, фаолияти, паспорт нусхаси) илова қилинади. Фолибар Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакиллиги (омбудсман), ҳуқуқшунос Тошкент шаҳри. 100129, Навоий кўчаси 30-уй, 3-қават, 5-хона. Телефон/факс: 244-15-96, 244-12-51. www.mmf.uz, e-mail: mmf@uzpak.uz, mmf.uz@mail.ru. Ташкилий кўмита

олиmlар, малакали мутахассис экспертлар ва ҳуқуқий мавзуга ихтисослашган журналистлардан таркиб топган жюри ҳайъати томонидан аниқланади. Танлов ғолибларига мукофотлар Фолибар диплом ва қимматли совғалар билан тақдирланади. Материаллар «Инсон ҳуқуқлари журналист нигоҳида» мавзусидаги ижодий танловга» деган қайд билан Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондида 2010 йил 5 декабрга қадар қуйидаги манзилга жўнатилади: Тошкент шаҳри. 100129, Навоий кўчаси 30-уй, 3-қават, 5-хона. Телефон/факс: 244-15-96, 244-12-51. www.mmf.uz, e-mail: mmf@uzpak.uz, mmf.uz@mail.ru. Ташкилий кўмита

Ислохотларни чуқурлаштириш йўлидан

Салмоқ, сифат, самара

Кишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштириш, тармоқ самарадорлигини ошириш йўлида тиним билмайди-ган Гулран тумани зироаткорлари яхши натижаларни кўлга киритмоқдалар. Шу муносабат билан туманда илгор фермер ва пешқадам пахтакорлар иштирокида тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Тантанада вилоят ҳокими О.Оллоберганов иштирок этиб, туман меҳнаткашларини эришилган ютуқлар билан қутлади. Пахта тайёрлашда юқори кўрсаткичларга эришган агросаноат мажмуи ходимлари ҳамда ҳашарчиларга қимматбаҳо совғалар топширди.

ПАХТА ЙИЛИ

Шу кунларда пахтакорлар билан бўлган учрашувлар, ўзаро гурунларда юқоридаги иборани тез-тез эшитиш мумкин. — Бу йил Яратганнинг ўзи деҳқонни раҳлади, — дейди туман кишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи Курол Сафоев. — Оби-ҳаёт мўл бўлди, ҳарорат етарли бўлди. Булардан омилкорлик билан фойдаланганларнинг омади келди. Фидокорона қилинган меҳнат куз тарозисида ўзини намоен этмоқда. Кун сайин хирмонга барака олмақда. Тармоқда юқори самарадорликка эришиш учун изланишлар изчил давом эттириляпти. Вегетация даврида экинни тежамли, самарали усул — суспензия эритмаси билан озиклантириш зироаткорлар фаолиятдан мустаҳкам ўрин олмақда. Жорий йилда ана шу усулда ғўзага олти марта ишлов берилди. Маълумки, сувнинг кўп бўлиши ҳам, тақчиллиги ҳам деҳқон учун қўшимча ташвишдир. Бу йил вегетация даврида Амударёда сув сатҳининг кўтарилиб кетиши натижада соҳилга ёндош экинзорлар сув остида қолди, кўплаб даладорнинг захлаб кетиш хавфи туғилди. Бироқ ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳақидаги бир қатор фармон ва қарорлар изчил бажарилаётганлиги, ер ости сувларининг равои оқиби кетиши таъминланганлиги туфайли экин ривожига турғунлик юзга келгани йўқ. Қолаверса, сожжан препарати билан уч босқичда ишлов берилиб, говлашининг олди олинди. Катъий режа асосида қилинган меҳнат лўппи чанокларда намоен. Шу туфайли туман бўйича 37 миң тоннадан зиёд «оқ олтин» хирмони уйилиб, шартнома режаси ошиғи билан адо этилди. Пешқадам жамоалар унумли меҳнат қилиб, 40-45 центнердан ҳосил кўтаришди. Фермерларнинг имкониятлари кенгайиб, куч-қудрати тобора ошмоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўзида молия муассасаларининг мадади билан юзга яқин турли русумдаги трактор ва кўпйлаб тиркама механизмларини сотиб олишди. Натижада, ҳосил учун курашдаги атротехник тадбирларни ўз кучи билан урдалаб, ғўзага ишлов муддатини қисқартириш, ҳосил таннархини арзонлаштиришга эришмоқдалар.

ЭРТА ЭККАН, ХИРМОН ҚИЛАР Тажрибали Пахтакор Отажон Нажимов «Хизр эли» кишлоғидаги ширкат хўжалигида бригада бошлиғи бўлиб ишларди. Ширкат тугатилиб, ерлар фермер хўжалиқларига тақсимланганда унга ўзи раҳбарлик қилган бригада ерлари берилди. Уттиз йилдан бери шу замин билан тиллашиб, мўл ҳосил етиштириб келмоқда. Шу боис экин майдонларининг тупроқ шароити, мелиоратив ҳолати, айни вақтда ҳосил учун курашда қайси тадбирни қай вақтда ўтказиш лозимлиги унга беш қўлдай аён. Энг муҳими, у эл нақлига амал қилиб, ҳар йили уруғлик чигитни эрта экишга иктилади. Шу боис бу йил туманда чигит экишга бағишланган кўрик-семинар унинг далаларида ўтказилди. Пахта ҳосили етиштириш учун ажратилган 41 гектар майдоннинг барчасига чигит кўшқаторлаб экилди. Табиийки, хўжаликда ҳосил чўғи баланд бўлди. Режа ҳам туманда биринчи бўлиб урдаланди. Қабул пунктларига шартномага кўшимча равишда 25 тонна, яъни 150 тоннадан зиёд қимматли сановат хом ашёси топширилди. Шу ҳисобда ҳозиргача хўжалик бўйича 100 миллион сўмга яқин даромад, 30 миллион сўм соф фойда олинди.

ЭРТА ЭККАН, ХИРМОН ҚИЛАР


«Худойберган бобо Сухроб» фермер хўжалигида ҳам дала ишлари шу зайдла ташкил этиляпти. 26 гектар пахта майдони 40 оилга бериқилган. Ҳар бир оила ҳосилни тез ва тоза териш, юқори навларга топширишдан манфаатдор. Шу туфайли хўжаликда режадан ташқари 2 тонна хом ашё тайёрланиб, зиммага олинган қўшимча топшириқ ҳам ошиғи билан адо этилди. — Кишлоқимиз бўйича тармоқда иш олиб бораётган 16 нафар фермернинг барчаси эл олдида берган ваъдасининг урдаасидан чиқади, — дейди «Хизр эли» сувидан фойдаланувчилар уюшмаси раиси, худуд раҳбари Бахтиёр Гулчиев. — Қабул пунктларига 2000 тоннадан зиёд ҳосил етказиб берилди. Эндиликда режага кўшимча равишда яна 300 тонна хом ашё тайёрлашга қаратилган саъй-ҳаракатлар давом этаёпти.

МОДДИЙ МАНФААТ — ҒАЙРАТГА РАҒБАТ

Йиғим-терим мавсумининг дастлабки кунлариданоқ Каримбой Собиров бошлиқ «Собир Гулранли» фермер хўжалиги терилган пахта учун 150 сўмдан пул берилишини эълон қилди ва ҳар бир теримчи билан кунлик ҳисоб-китоб қилишга ўтди. Шу боис худудда истиқомат қилувчиларни пахта йиғим-теримига даъват қилишга эҳтиёж қолмади. Катта-кичик барча этак тақиб, умумхалқ ҳаракатида фаол катнашмоқда. Ҳар кун 100-150 киши далага чиқиб, пахта тераёпти. — 150 сўмдан ҳақ тўлаб зарар кўрмайсизларми? — сўраймиз хўжалик иш юритувчиси Музаффар Матқурбоновдан. — Йўқ, фақат ютамиз, — дейди у. — Биринчидан, ҳосил тез йиғиб-териб олиниб, юқори навага сотилади. Иккинчидан, хирмон салмоғи қанчалик оқса, шунчалик иқтисодий манфаат кўрамай. Президентимизнинг қарори шундай имкониятни яратди. Қарорга асосан бу йил шартномавий мажбуриятдан ортиқча топширилган пахтадан олиннадиган шрот, шелуха ва пахта ёғи фермер хўжалиги ихтиёрида қолдирилиши ҳамда буортмадан ортиқча сотилган пахта пули шу фермернинг ҳисоб рақамига туширилиб, ихтиёрий фойдаланишга рухсат берилганлиги биз учун жуда қувончлидир. Хўжалик аҳли ана шу имкониятдан унумли фойдаланиб, шартномага кўшимча равишда 100 тоннадан зиёд қимматли хом ашё тайёрлаб, 200 млн. сўмдан ортиқ даромад қилди. Шрот, шелуха, пахта ёғи каби маҳсулотлар ҳам назарда тутилса, бу йил фермер хўжалиги кўрайдиган манфаатдорликнинг янада салмоқчилиги аён бўлади. Туманда шу тарихи иш тутиб, йиллик марра эгаланган бўлсада, суръатни сусайтирмай хом ашё тайёрлаётган пешқадам фермерлар кам эмас. Улар пахта тайёрлаш бўйича туманининг нафақат вилоятимиз, балки республикада пешқадамлар қаторида бўлиши, юқори иқтисодий самарадорликка эришилишини таъминлади. Аслида, ислохотлардан қутилган меҳнат ҳам айнан юқори иқтисодий самарадорликка эришишдан иборатдир. Пайкалларда йиғим-терим қизғин давом эттириляпти. Демак, хирмон баракаси, кўрилажак иқтисодий самара салмоғи янада юксалаверади.

Оллаберган РАҲАБОВ, журналист

Чорва — 2010



Кўмакдош

Кейинги икки-уч йил ичида туманда чорванинг кескин кўпайишига эришилди. Жорий йил бошида 9620 бош аҳоли, 2600 бош фермер хўжалиқлари молларини сунъий қочириб ҳақида шартнома имзоланди. Бу борада «Навийнасхизмат» корхонасининг хизмати катта. Мавжуд 14 та зооветеринария шохобчасида чорвачиликка доир барча хизмат турлари мавжуд бўлиб, молларни қорасон, оқсил, куйдирги каби касалликларга қарши эмлаш аниқ жадвал асосида олиб борилмоқда. Гарчанд, қайд қилинмаган бўлса-да, эҳтиёт чораси сифатида сил, бруцеллез касалликлари бўйича тез-тез текширувлар ўтказиб турилибди.

«Истиклолнинг 10 йиллиги» фермер хўжалиғи раҳбари Баҳром Эшнӣёзов бундан 9 йил аввал ишни санокли моллар парваришидан бошлаган эди. Хозирги кунга келиб, 385 бошга етди. Шундан 140 бош соғин сигир бўлиб, улар сунъий қочириб орқали кўпайтирилмоқда. Шунингдек, Барно Ҳамроев раҳбарлигидаги «Бобоқийёт» чорвачилик фермер хўжалиғи қисқа вақтда моллар сонини 85 бошга етказди. Шу йил 25 бош мол сунъий равишда қочирилди. Йил охирига келиб, 110 бошга етиши чамаланмоқда. Илмий ёндашув ўз са-

марасини бераётди. Эстон зотиға мансуб ва бошқа қўшни республикалардан келтирилган моллар шароитга мослашди. Яқинда А.Халилов фермерлар уюшмаси худудида яшовчи Рўзиқул Ғайбулаев хонадонни зотдор сигирдан эгизак бузоққа олди. Мавриди келганда айтиб ўтиш жоиз, туман АСМ ходимлари бирлашган касаб уюшма кўмитаси раиси Аҳмад Исмоилов ҳар бир ишда кўмакдош бўлаётир. Шокир ТўРАЕВ, Хатирчи туман Давлат ветеринария бўлими бошлиғи

— таракқиётимиз таянчи» Республика танловига

ДАҲОЛАР КЕРАК...»

лимдагидек, паст ўзлаштирувчи ўқувчилар билан шугулланиш бошқаларнинг қизиқишини сўндириб қўймайди. «Билиб олинг!» ва «Эслаб қолинг!» каби рунларда берилган грамматик қондалардан ташқари, қўшимча материаллар сифатида киритилган дидактик материал (жадвал, слайд, тушунтирувчи анимацион роликлар ва видеоматериаллардан билм доирасига қараб ҳар бир ўқувчи фойдаланиши мумкин. Шунингдек, дарсликда диққатни кўпроқ қаратиш лозим бўлган назарий маълумотлар таъсирли овоз жўрлигида етказиб берилса, чуқурроқ ўзлаштиришни кузатиш мумкин. Нилуфар фикрини исботлаш мақсадида компютердаги дарсликни курсата бошлади. Дарҳақиқат, электрон дарслик афзалликлари орасида бир мавзу доирасида бир неча имкониятларнинг берилиши алоҳида эътирофга лойиқ. Қолаверса, унинг дизайни, ўзига хос методик қонуниятга амал қилиши ўқувчини бир зумда ўзига жалб қилади. Мисол учун, 8-синф «Она тили» ЭМДнинг 23-дарси «Сўз бирикмаси ва қўшма сўз» деб номланиб, асосий тушунчалар, қоида ва мустаҳкамлаш учун машқлардан ташқари, анимацион ролик боланинг ўзлаштиришига ижобий таъсир қилади. «Билиб олинг!» (Сўз бирикмасини ташкил қилган қисмларнинг ҳар бирига алоҳида-алоҳида, қўшма сўзларга эса яхлит бир савол бериш мумкин) блогиға қўшимча равишда яратилган анимацион мониторда пайдо бўлиши билан «Бошлаш» тугмачаси босилди. Шундан сўнг сўзлар поездсимон ҳаракатланиб, сўроқ сўз «тутуни» пайдо бўлади. Сўз бирикмаси ва қўшма сўз ўртасидаги фарқни «тутун» туфайли осонгина англаймиз: қизил (қандай?) олма (нима?) ва ошқозон (нима?), оқ (қандай?) куш (нима?) ва оқуш (нима?) «Сўз бирикмалари занжири» мавзусидаги анимационда галдан тегишли бирикмаларни топиб, сичқонча кўрсаткичи ёрдамида тўғри жавоблар қаторига «судраб» олиб ўтамай ва шу заҳоти «Текшириш» тугмачасини босамиз. Натижа тўғри бўлса, «Барақалла!», аксинча эса «Аттанг!» хитобини эшитамиз. Бу ролик сўз бирикмаси ҳақидаги тушунчаларни мустаҳкамлайди ҳамда билим даража-

сини баҳолашнинг тезлигини оширади. Она тили дарсликларига бу каби интерактив метод намуналарини кўп учратишимиз мумкин. Энди адабиёт дарслиғига саёҳат қилсак. Мундарижадан исталган мавзунини танлаймиз: Абдулла Қодирий. Мавзуга қўшимча тарзда «Меҳробдан чаён» романи гиперлинова қилинган, тест синови, бошқотирма, «Зулмат ичра нур» филмидан лавҳа ҳамда «Қодирий қаҳрамонлари ёдингиздами?» сарлавҳали топқирлик синови берилган. Топқирлик синовини бажариш ўйин эффектини эслатиши билан ўқувчини ўзига жалб этади. Синовини бажариш жараёнида икки машҳур романдан бирини танлайсиз (сичқонча кўрсаткичининг икки марта босиш орқали) ва бадий қаҳрамонлар номи устига олиб келиб, бир мартадан тугмачани босасиз. Тўғри жавоб учун «Офарин!», нотўғри бўлса «Афсус...» Шунингдек, аруздаги асарларнинг ифодали ўқилганлиғи маънавий меросимизга бўлган ҳурматни оширибгина қолмай, тўғри ўқиш ва ҳижолатини фарқлаш имконини беради. Бунда «Шам алаңгаси» усулидан унумли фойдаланилган. Электрон дарсликнинг афзалликлари билан бири амалиётдир. Аънавий дарсларда назоратнинг исталган тури ўқитувчи томонидан олинди ва текширилади. Ўқувчи топширган синови иши натижаси маълум қилинмагунча билмайди. Синфдаги барча ўқувчиларнинг хатолари устида алоҳида ишлаш учун эса вақт масаласи қийнаб қўяди. Электрон дарсликда эса ҳар қандай назорат топширилган вақтнинг ўзидаёқ маълум бўлади ва асосий сўз ўқувчининг хатолари таҳлили билан мониторда намоен бўлади. Электрон дарсликда аънавий дарсликда мавжуд бўлмаган анимацион роликлар, видео ва аудио роликлар, назорат дастурлари мавжуд. Ҳамда ўқувчи мактабдан ташқари ўқиши мумкин бўлган қизиқарли маълумотлар ва бадий асарларни

ҳам ўқиши мумкин. Маълум матн устида ишлаш учун бир неча китоб талаб қилинади. Сўзларнинг келиб чиқиш тарихи, сўзнинг маълум бир изоҳи ёки маънодош сўзларини топиш ва ҳ.к. Бундай маълумотларнинг барчасини билиш учун бир неча лугат китобларга мурожаат қилиш зарур. Электрон дарсликда эса матн устида ишлашга қулайлик бор, яъни бир неча лугатларнинг дарсликка гиперкўрсатма сифатида улаб қўйилган. Шу ўринда немис тадқиқотчиларининг инсон хотираси устидаги тадқиқот натижалари билан танишиб чиқсак. Демак, инсон қуйидаги ҳолатларда эслаб қолади: Ҳаммаи маълумот таҳлиладан электрон мультимедиа дарсликлар таълим мақсадиға эришиш учун энг қулай восита эканлиғи маълум бўлади. Ҳаёт суви — Тенгсиз муваффақиятларға эришадиган кишиға ҳаммининг ҳаваси келади. Бироқ омад ортидаги инсонлар меҳнати кўп-да эсга келавермайди, — дейди Нилуфар. — Бу зот, шубҳасиз, устоздир. Юксак марраларни забт этиш учун истеъдоднинг ўзи камлик қилади. Иқтидор бамисоли бугдой донаси, устоз ҳаёт манбаи бўлган сув, меҳнат эса тупроқдир. Бугдойнинг қақроқ ерга қадаганингиз билан сув бўлмаса, не наф. Менга «ҳаёт суви»ни улашган устозларим билан бир умр фахрланаман. Педагогика фанлари докторла-

Ахборотни етказиш шакллари	3 соат %	3 кун %	1 йил %
Маъруза, ҳикоя (оғзаки)	70	10	3
Кўрсатиш, намойиш	72	10	13
Маъруза ва кўрсатиш	85	65	33
Ҳикоя, кўрсатиш, амалиёт	98	95	75



ри Улуғбек Долимов, Қозоқбой Йўлдошев, педагогика фанлари номзоди Дадажон Сайфулов каби инсонларнинг беминнат ўғити, берган таълими дилимга шогирдлик эҳтиромини жо этди. Улуғ шоиримиз Эркин Воҳидовда шундай сатрлар бор: Қуллуқ қил демасман, юрт тупроғини ўп, Унга қуллар эмас, фидолар керак. Уни сену мендек шоирларни кўп Буюк элга энди даҳолар керак. Биз шундай улуғ вазифани зиммамизга олган авлодимиз. Унга муносор бўлиш ҳам бир бахт. * * * Устозлик шарафига шогирдлик қарзини кўнглига жойлаган Нилуфар яна янги-янги ихтиро, ташаббусларни амалга ошириш иштиқиди. Инглиз ва турк тилларини мустақил ўрганди, мазкур тиллардан қилган бадий таржималари республика матбуотида эълон қилиб борилмоқда. Педагогик тажрибаси туман миёёсида уч марта оммалаштирилди. Энг муҳими, меҳнати эътироф этилмоқда, юксалиш учун имконият яратилмоқда. Зеро, у каби «Изланишдан тўхтаганда, маънавий ҳалокатға юз тутилади» ҳақиқатини ўзига ибрат билган минглаб ёшлар юрт таракқиётига шу йўл билан ҳисса қўшмоқда. Дилдора РАҲМОНОВА, «Ishonch» муҳбири

Спорт оламида

«2010 йил — Барқамол авлод йили»

Мамлакатимизда спортнинг барча турлари қатори бадий гимнастика ҳам жадаллик билан ривожланмоқда. Деярли барча ҳудудларда бадий гимнастика заллари курилиб, келажакимиз эгалари ихтиёрига топширилган. Бугунги кунда Тошкент вилоятида 1600 нафардан зиёд ёшлар нафис спорт тури билан мунтазам шуғулланишяпти.

Фотиманинг орзуси

Хусусан, вилоятда мазкур спорт турига қизиқувчи истеъдодли қизлар талайгина. Улардан бири 1996 йили Чирчиқ шаҳрида туғилган Фотима Давлатовадир. У олти йилдан буюн бадий гимнастика билан мунтазам шуғулланиб келади. Чирчиқ шаҳридаги спорт мактаби ва Тошкент шаҳридаги «Локомотив» спорт мажмуаси унинг сеvimли масканига айланган.

поғонасини банд этди. Бундан ташқари, 2008 йилда уюштирилган халқаро турнирда ва ўтган йилги шаҳар биринчилигида биттадан кумуш ҳамда жорий йилги шаҳар биринчилигида бронза медалини кўлга киритди.

Фотима Давлатова спортчилар оиласида улғаймоқда. Опаси Нисо Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтининг гимнастика факультетига тахсил олмоқда. Укаси Хусан эса спортнинг фигурали учиш тури билан шуғулланади.

Вилоят ҳокимлиги ва гимнастика федерацияси томонидан қизларнинг спорт буюмлари ва формалари билан таъминланиши ҳамда кўлаб-қувватланиши уларнинг муваффақиятга эришишида муҳим омил бўлаяпти.

Айни кунларда Фотима 15 октябрда пойтахтимиздаги «Универсал» спорт саройида бўлиб ўтаётган республика чемпионатида пухта ҳозирлик кўрмоқда. Мақсади — чемпион бўлиш.



Пойтахтимизнинг Яққасарой туманидаги «Мажнунтол» номли 249-мактабгача таълим муассасасида ёш авлоднинг соғлом ва барқамол этиб тарбиялашга жиддий эътибор қаратилмоқда. Болажонларнинг дунёқарашини шакллантиришда турли усуллардан самарали фойдаланилмоқда. Бу борада мутахассис ва тарбиячилар ҳар бир тарбияланувчининг феъл-атвори ва қизиқишини ҳисобга олиши яхши самара берайтир. Улар ўқиш-ёзишни ўзлаштирган ҳолда мактабга қадам қўйишяпти.

Суратда: тарбиячи Дилором Ҳакимова болалар билан. Икром ҲАСАНОВ олган суратлар

Бола бошдан

«От изини той босар»

Синфнинг аълочи қизлари — Азиза, Зухра ва мен қалин дугона эдик. «Соғлом авлод унун» орденини биринчилардан бўлиб олган Азизанинг онасини кўпчилик қўли енгил шифокор, дерди. Дугонани онаси билан фахрланар, ўзи ҳам шифокор бўлишни, беморлар дардига даво топишни, онасидек элдан дуо олишни орзу қиларди. Отаси фармацевт бўлган Зухра Фармацевтика институтига ҳужжат топширди. Қарангки, учалмиз ҳам давлат гранти асосида ўқишга кирдик. Қувончимизнинг чеки йўқ эди ўшанда. Зухрадан нега фармацевт бўлмоқчисан, деб сўраганимда, бу касбга ўзгача меҳр билан қарашини, дадасига ўхшашига ҳаракат қилишини айтди. Баъзан ўйлаб қоламан, нега улар айнан ота-онаси касбини танлашди? Умуман, фарзандлар ота-она изидан боришининг биз билган ва билмаган қандай сабаблари бор?

Бу хусусда мутахассис, психолог фанлари номзоди Мухоммад Аҳмедовнинг фикрлари билан қизиқдик:

— Халқимиз «От изини той босар» деб бекорга айтмаган. Шахснинг ривожланишида иштирок этувчи биологик омиллар сирасига бирор соҳа, касб-хўнарга мойиллик, лаёқат ҳам қиради. Яъни шундай қобилият маълум даражада фарзандга ўтади.

Дарҳақиқат, фарзанднинг ота-она касбини

танлаши, мутахассис айтганидек, бир томондан генетик, биологик омиллар таъсирига боғлиқ. Бошқа томондан фарзанд ота-онаси мисолида етук мутахассисни кўрсатса, ўша касбга меҳр қўяди.

Барчамиз жамиятда ўрнини топишга, ўзимиз истаган соҳани эгаллашга ҳаракат қиламиз. Бирок ҳаётда шундай ҳоллар ҳам учрайдики, киши қайси йўлни танлашга иккиланган бўлади. Бир дўстим бор. Отаси машҳур хонанда. Тенгдошим ҳам санъаткор бўлишни хоҳлайди. Аммо отаси унинг танловига қарши чиқди. Кўп учровчи шу каби вазиятларда нима қилган маъқул?

Мутахассис сўзларига қўра, агар болада ҳақиқий истеъдод бўлса, у ҳар қандай қийинчиликни енга олади. Фақат биринчи учун қобилият, хоҳиш ва ирода бирлашмоғи керак. Жигарбанднинг интилиши, ютуқ, муваффақиятларини кўрган ота-она ҳам вақт ўтиб тан беради.

Касбининг оғир-енглигини кўрган, сир-асродини чуқур билган инсон изидан келаётган даровонига ўз таърибасини ўргатишга не етсин. Зеро, пиёла яратилган экан, уни қайта кашф этиш эмас, такомиллаштириш лозим. Ота-онами касбини танларганимиз, уни шунчаки давом эттириш эмас, янгилик киритишимиз, ривожлантиришимиз даркор.

Шоҳсанам НИЁЗОВА,
ЎзДХТУ талабаси

Инсон

Бу муқаддас Ватанда азиздир Инсон
(Қасида)

Сен менинг шодлигим, фотрим, гурурим,
Дунё юзидаги холим, кўз нури,
Мен сенга гурур-ла термулб турдим,
Таърифи тилимда туганмас дoston,
Эй, Инсон,
Инсон!

Сен ишим, деҳқоним, йўлбошим одил,
Осмондан буюгим, булоқдан софдил,
Доносан, дошишанд, аллома, оқил,
Колмасин қалбингда заррача армон,
Эй, Инсон,
Инсон!

Шоирим — ер-кўкка жонфидо зотим,
Хайлан юлдузга қучган қанотим,
Сабрга дарс берган сабуру саботим,
Сен — Инсон шаклида қўриган Қўлтон,
Эй, Инсон,
Инсон!

Ватан деб жон олиб, жон берган
мардум,
Генерал Собирим, Тумарисларим,
То дунё турғунча туганмас дардим,
Ҳадис чегарада бахтимга посбон,
Эй, Инсон,
Инсон!

Мен сенга интилиб топганман бахтим,
Бахтиёр умрингни узайтмоқ — аҳдим,
Ҳаётим — сен учун арзимас тақдим,
Сенга бош эгардим бўлсам-да осмон,
Эй, Инсон,
Инсон!

Олқор ДАМИН,
Самарқанд

«Осиё чемпионати — 2010»

Ўзбекистон — Ироқ — 2:0

7 октябр кўни Ўзбекистон терма жамоаси Хитойнинг Зибо шаҳрида ташкил этилган ёшлар ўртасидаги Осиё чемпионатининг учинчи тур учрашувида ироқлик тенгдошларига қарши майдонга тушди. Биринчи бўлимда томонлар дарвозага йўл топишининг уйдасидан чиқа олишмади. Фақатгина япониялик ҳакам Тама Маасаки томонидан ўйиннинг асосий вақтига қўшиб берилган бир дақиқалик вақтда рақиб ҳимоячилари томонидан йўл қўйилган кўпол хатодан футболчиларимиз Акром Бахриддинов унумли фойдаланиб, ўйинда ҳисобни очди 1:0.



Нарзулла МАҲАМОВ,
«Ishonch» мухбири

Урашунинг иккинчи бўлими анча шиддатли тус олди.

Ўйиннинг асосий вақтига бош ҳакам томонидан икки дақиқа қўшиб берилди. Худди биринчи бўлимда бўлгани каби тўқсонинчи дақиқада Сардор Мирзаев максадига эришди. Рақиб жарима майдонидан юзга келган палапартишликдан фойдаланган вакилларимиз ҳисобни 2:0 га етказишди.

Таэквондо Жаҳон чемпионати бошланди

Кеча пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуасида таэквондо «Пумсе» бўйича V жаҳон чемпионати бошланди. Шу муносабат билан Бутунжаҳон таэквондо федерацияси (WTF) президенти Чунг Вон Чой иштирокида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

— Ўзбекистонда таэквондонинг ривожлантириш юзасидан амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишдим, — деди Чунг Вон Чой. — Жаҳон чемпионатини ўтказиш билан боғлиқ ишлар юқори савияда ташкил этилган. Мусобақалар ҳам шунга яраша қизиқарли бўлишига ишонаман.

Матбуот анжуманида иштирок этган журналистлар ўзларини

қиқиқтирган саволларга жавоб олдилар.

— Сунги йилларда «Пумсе» таэквондога катта аҳамият берилмоқда. Унга мамлакатимиз ёшларининг ҳам қизиқиши кучли. Мазкур жаҳон чемпионатида жамоамиз 21 кишидан иборат тўлиқ таркибда иштирок этади, — деди Ўзбекистон таэквондо WTF ассоциацияси президенти А.Латилов. — Бир йил давомида жиддий тайёргарлик кўрдик. Шу боис яхши натижа кўрсатишга ҳаракат қиламиз.

Мазкур чемпионатда дунёнинг 58 давлатидан 453 нафар таэквондочи медаллар учун кўрсинади.

Акмал ТOШЕВ,
«Ishonch» мухбири

Бизда ўн та қора Мулоҳаза

«Ласетти»...

Тўй ҳаётдаги унутилмас дамлардан биридир. Унга йиллаб тайёргарлик кўрилади. Албатта, фарзанднинг хоҳишини бажариш учун ота-она бор-будини сарфлашга тайёр. Агар маблағи етмай қолса, қарзга ботса ҳам, элдан қолишмай дейди.

Яқинда Наманганга бир дўстимизни кўришга бордик. Тўйнинг бўлгани яхши. Бирок никоҳдан ўтиш учун келин-куёвга 10 та қора «Ласетти» ва 10 та оқ «Нексия»

зарур экан. Шунча уловга бензин қуйиб бериш муаммоси тўйбошини анча гангитиб қўйди.

«Шундай қилиш шартмикан», деб ўйлаб турганимда, ёнимдаги меҳмон ичимдагини толгандек бўлди.

— Гап фақат ўзимизда. Уйчи туманида ҳам шунақа қилиш одатга айланган қоляпти. Қанча тушунтиришлар олиб берилмоқда. Афсуски, ҳеч нарса ўзгармапти. Аксинча, тўй пойгаси янада авжга чиқмоқда. Бунга ким сабабчи? Нега

маҳалла фаоллари бу ортиқча дабдабаларга чек қўйишга, тўйларини камчиқим, бежирим ва чиройли ўтказишга эриша олишмаяпти.

Тўғри, халқимиз ҳаёти кундан-кун фаровонлашиб бормоқда. Хар ким хоҳлагандек тўй қилиш ҳуқуқига эга. Аммо ортиқча дабдаба-ю исрофгарчиликлар фаровонлик белгиси эмаслигини унутмайлик.

Абдулҳай
МАМАЖОН ўғли

«РОУТАХТ АУКСИОН» ДУК 2010 йил 11 ноябр кунини аукцион савдоларини ўтказиш

Аукцион савдолари Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Паркент кўчаси, 74-уйда жойлашган «Паркент ихтисослашган бозори» ОАЖ балансидаги 2009й.и.ч. д/р 01/743ДАА, бошланғич нархи 32 316 000 сўм бўлган «ГАЗ 3302»; Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 30-уйда жойлашган, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг 2002й. и.ч. д/р 01/187НАА, бошланғич нархи 11 470 000 сўм бўлган «Опел-Омега 2.2»; Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, академик Я.Ғуломов кўчаси, 66-уйда жойлашган, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси «Хуқуқ» газетасининг 2002й. и.ч. д/р 01/641ДАА, бошланғич нархи 4 626 000 сўм бўлган «Тико»; Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 28а-уйда жойлашган Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Давлат фелдгерлик хизмати балансидаги 2003й.и.ч. д/р 01/187НАА, бошланғич нархи 2 918 226 сўм бўлган «Дамас»; Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Истикбол кўчаси, 45-уйда жойлашган «Тoshkentvno kombinati» ОАЖ балансидаги 1985й.и.ч. д/р 01/399СВА, бошланғич нархи 2 027 764 сўм бўлган «УАЗ 452Д»; 1991й.и.ч. д/р 10АО810, бошланғич нархи 889 049 сўм бўлган «ИЖ 271507011» русумли автотранспорт воситалари ҳамда Тошкент шаҳар, Юнусов д/р тумани, Лойихадаги Г-60 кўчасида жойлашган яқна тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган, сатҳи 0,03 га дан, бошлан-

ғич нархи 936 000 сўмдан бўлган иккита ер участкасига мерос қилиб қолдирилган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи қўйилган. Ер участкаларини савдога тайёрлаш билан боғлиқ муҳандислик-геодезия ва лойиҳа ишларини бажаришга сарфланган харажатлар бошланғич нархларга қўшилмаган ва харажатлар харидорлар томонидан қопланади.

Аукцион савдолари соат 11:00да бошланади. Бу юртта қабул қилиш автотранспорт воситаларига савдо кунидан бир кун аввал, ер майдонларига савдо кунидан уч кун аввал соат 18:00да тўхтатилади.

Савдоларда қатнашиш учун бошланғич нархнинг камиди 20 фоизи миқдорда закалат пули «РОУТАХТ АУКСИОН» ДУКнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 2021000004243151002 ҳисоб рақамига тўланади.

Савдо гоилибларига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш, автотранспорт воситаси гоилибга тўлаган закалати миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоиздан камини ташкил этган тақдирда етишмаётган суммани шартнома тузилгунга қадар тўлаб бериш шартлари юклатилади.

Мазкур объектлар юқоридида белгиланган савдо кунидида сотилмаган тақдирда, навбатдаги ҳафталарнинг пайшанба кун-

лари ўтказиладиган савдоларга қўйилади. Аукцион ўтказиладиган қўйиладиган манзилдан қўшимча маълумотлар олиш мумкин: 100060, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темуру шох кўчаси, 16-А-ўй.

Алоқа телефонлари 233-23-49, телефакс 233-23-40, электрон почта P-A_DUK@mail.ru

Шунингдек ўтказилган аукцион савдолари натижаларига қўра, Тошкент тиббиёт академияси 3-клиникасининг д/р 10АД627 бўлган «ГАЗ-2413» — 1 150 000 сўмга; Ўзбекистон Республикаси Президенти аппарати Ишлар Бошқармаси автохўжалигининг д/р 01/366РРР бўлган «ГАЗ-3102» — 3 450 000 сўмга; д/р 01/406РРР бўлган «ГАЗ-31029» — 2 620 000 сўмга; «О'ЗБЕКУЕНГИЛСАНОВАТ» ДАК «Ишлар бошқармаси» ДКнинг д/р 10АХ159 бўлган «Опел Омега 2.2» — 12 410 000 сўмга; «Адолат» наشريёти ДКнинг д/р 01/6830АА бўлган «Нексия» — 9 500 000 сўмга; Тошкент шаҳар ҳокимлиги автотранспорт корхонасининг д/р 10А0793 бўлган «ГАЗ-31029» — 3 110 000 сўмга; «Узмахсусимпекс» ДКнинг д/р 10А5505 бўлган «Матиз DLX» — 6 950 000 сўмга; Микробиология институтининг д/р 10АХ384 бўлган «ГАЗ-2410» — 1 250 000 сўмга сотилганини маълум қилади.

Ўзбекистон Республикаси давлат мулкни бошқариш Давлат қўмитаси «Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибидида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига ОАТБ «Қишлоқ қурилиш банк» Бошқарувининг 19.02.2010 йилдаги 4-сонли қарорига қўра «Қишлоқ қурилиш банк» Бекобод филиали балансидаги Тошкент вилояти Бекобод шаҳри Бирик кўчаси, 2-ўйи манзилда сақланаётган, «Матиз» русумли, д/р 11АСО10 бўлган, 2004 йил и/ч автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси - 5 000 000 сўм. Аукцион савдоси 2010 йил 11 ноябр кунини соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Юқоридида автотранспорт воситаси 2010 йил 11 ноябрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, автотранспорт воситасининг такрорий аукцион савдоси 2010 йилнинг 18 ва 25 ноябр кунлари соат 10:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир соат олдин тўхтатилади. Мазкур савдоларда қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилганда закалат келишувига асосан объект бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини РКМБнинг ОАИБ «Ипак йўли банки» Сағбон ф-даги қўйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452114. МФО: 01036, ИИН: 200933850.

Манзил: Тошкент ш., С.Раҳимов т., М. Ҳазратов кўчаси, 1-А-ўй. Тел: 228-79-52.

Ўзбекистон Агротранспорт мажмуи ходимлари касба уюшмаси Марказий кенгаши жамоаси АСМ ходимлари касба уюшмаси Сирдарё вилоят кенгашининг бош мутахассиси
Муқим СОЛИЕВнинг
вафот этганини муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ҳамдардик билдиради.

Ўзбекистон қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касба уюшмаси Марказий кенгаши ва худудлардаги Вакилликлар жамоалари Марказий кенгашининг девон мудири Наргиза Алиевага падари бузурқоври
РУСТАМ отанинг
вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.



Muassis:

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:

Abduxoliq Abdurazzoqov

Tahrir hay'ati:

Alla DOLJENKOVA,
Anvar YUNUSOV,
Dovud MADIYEV

(Bosh muharrir o'rinbosari),

Jahongir SHAROFBOYEV

(Mas'ul kotib),

Ma'mura ADILOVA,

Normamat AIIAYOROV,

Nosirxon AKBAROV,

Oysuluv NAFASOVA,

Pirimqul QODIROV,

Sog'indiq NIYETULLAYEV,

Shamsi ESONBOYEV

Bo'limlar:

Kasaba uyushmalari hayoti

256-87-63

Huquq va xalqaro hayot

256-03-90

Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat

256-87-74

Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport

256-82-79

Xatlar va muxbirlar bilan ishlash

256-85-43

Reklama va e'lonlar

256-87-73

Manziligimiz:

100165,
Toshkent shahri,
«Buxoro» ko'chasini, 24-uy

E-mail:
mail@ishonch.uz

Nashr ko'rsatkichi:

133

Navbatchi muharrir:

A. Toshev

Navbatchi:

N. Maxamov

Musahhih:

S. Shodiyeva

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Sahifalovchi:

H. Abdujalilov

*Sharh nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasini bosmaxonasi

chop etildi.
Korxonalar manzili:
«Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta oset usulida, A-2 formatida bosiladi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

Sotuvda erkin narxda.

*Ishonch'dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilib shart.

Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

(h) - Tijorat materiallari

Bosishga topshiriish vaqti - 21.00

Topshirildi - 21.00

Buyurtma G — 951

11350 nusxada bosiladi

ISSN 2010-5002

1 2 3 4